

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИ ТАРЖИМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Тоштемир Амиркулович АЛИМОВ

мустақил тадқиқотчиси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

## ОЦЕНКА ВАРИАНТОВ ПЕРЕВОДА РОМАНА

А. КАДЫРИ «МИНУВШИЕ ДНИ»

Тоштемир Амиркулович АЛИМОВ

независимый исследователь

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

## ASSESSMENT OF TRANSLATION VERSIONS

OF A. KADIRIY'S NOVEL "UTKAN KUNLAR" (BYGONE DAYS)

Toshtemir Amirkulovich ALIMOV

Independent researcher

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan [toshtemiralimov@gmail.com](mailto:toshtemiralimov@gmail.com)

UDC (УЎК, УДК): 81'255.2: 821.512.133

Ўткан кунлар7Қодирий

### For citation (иктибос келтириш учун):

Алимов Т.А. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари таржималарини баҳолаш мезонлари// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 180-190.

<https://doi.org/10.36078/1644597421>

**Received:** October 25., 2021

**Accepted:** December 17, 2021

**Published:** December 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Мақолада “Ўткан кунлар” (*Bygone Days*) асарининг таржима вариантлари таққосланди ва қиёсий жиҳатдан солиштирилди. Асар таржималарининг аниқлиги ва мақбуллиги даражаси бўйича таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил орқали ҳар бир таржиманинг аслиятга қай даражада яқинлиги, яъни таржимонлар Абдулла Қодирийнинг лексик танлови, жумла тузиши, сўз қўллаши, пунктуация, маданий сўзларни қўллаши ва умумий матн ритмига қай даражада таржима этикаси бўйича ёндашганлигини баҳолашга, “Ўткан кунлар”даги асосий ўша давр муҳитини қайта тиклашда қанчалик эришилгани изоҳлашга ҳаракат қилинди. Шунингдек, таржимонларнинг қандай қийинчиликларга дуч келганлиги ва бунинг натижасида қандай хато-камчиликларга йўл қўйилганлигини синчковлик билан ўрганиш учун “Ўткан кунлар” асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималарига муружаат қилинди.

**Калит сўзлар:** таржима; таржима аниқлиги мезонлари; сифат кўрсаткичлари; таржиманинг мақбуллик даражаси; баҳолаш таснифи.

**Аннотация.** В статье сравниваются и сопоставляются варианты перевода романа «Ўткан кунлар» («Минувшие дни»). Роман был проанализирован по критериям степени точности и приемлемости переводов. Данный анализ даёт возможность оценить, насколько каждый перевод близок к оригинальному

тексту, то есть как переводчики подошли к лексическому выбору Абдуллы Кадыри, структуре предложения, использованию слов, пунктуации, использованию культурно значимых слов и этичности перевода по отношению к тексту. Мы попытались увидеть, насколько успешным была передача атмосферы описываемых событий. Обращение к английскому и русскому варианту переводов «Минувших дней» вызвано попыткой изучить, с какими трудностями столкнулись переводчики и какие ошибки были допущены в результате.

**Ключевые слова:** перевод; критерии точности перевода; показатели качества перевода; степень приемлемости перевода; оценочная классификация.

**Abstract.** The article compares and contrasts the translation versions of the novel *Utkan Kunlar* (*Bygone Days*). The work was analyzed in terms of the degree of accuracy and acceptability of the translations. The analysis makes it possible to assess how close each translation is to the original text, that is, how the translators approached Abdullah Kadiri's lexical choice, sentence structure, use of words, punctuation, use of culturally significant words and the ethics of translation in relation to the text. The study attempts to see how successful the restoration of that atmosphere was in the days gone by. The appeal to the English and Russian versions of the translations of *Bygone days* was caused by an attempt to study what difficulties the translators faced and what mistakes were made as a result.

**Keywords:** translation; translation accuracy criteria; quality indicators; degree of acceptability of translation; evaluation classification.

Тил ҳаётимиз учун жуда муҳим, чунки тил алоқа воситаси сифатида қўлланилади. Бу дунёдаги жараён ва ҳодисаларни жамиятга қараб аниқлашнинг белгисидир ва инсон учун маълумот, товар ва хизматларни алмашиш учун ҳам зарурдир. Бошқача айтганда, тил ўзаро таъсир ўтказиш воситасидир. Тил ҳис-туйғуларимиз ва фикрларимизни ифодалаш учун хизмат қилади. Инглиз, рус ва ўзбек тиллари турли маданиятларга эга, бу эса тилга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ва бу ҳам, ўз навбатида, таржима жараёнини талаб қилади. Таржима фаолият сифатида нафақат аслият тили ва воситачи тилни ўз ичига олади, балки манба тил маданияти ва воситачи тил маданиятини ҳам ўз ичига олади. Таржима — баҳс-мунозараларга бой жараён. Дарҳақиқат, тил ҳам, таржима ҳам ўзининг йўналтирувчи ва амалий жиҳатларига эга. Ҳар бирининг вариант фактори бор, лекин бу омилни аниқ белгилаш осон жараён эмас, чунки муайян таржимада аслиятда бажариладиган талаб ва чекловларга боғлиқ.

Вермер (1986) (12) таржимани «маданиятлараро кўчиш» деб таърифлаган. Бу мафкуравий кўчишни ҳам англатиши мумкин. Мафкуравий кўчиш — жамиятни бошқарадиган стандарт кадриятлар, гоёлар ва этикодлар тўплами. Бинобарин, таржимон таржима қилинаётган тиллар билан боғлиқ фикр, этикод ва кадриятларни чуқур билиши керак. Тилдан унумли фойдаланиш учун таржимонлар ўз тилининг изчил ва тушунарли тарзда «яхлитлигини» таъминлаши керак. Ҳар бир гап, жумла ва ибора бутун асар маъносига ҳисса қўшадиган

бирлаштирувчи кўплаб турли масалалар изчилликда кўриб чиқилади. Ёзувда изчилликни сақлаш боғланган нутққа қараганда анча қийин, чунки ёзувчиларга уларнинг хабари аниқ ёки равшан эмаслигини билиш учун оғзаки бўлмаган мантиқий маслаҳатлар йўқ. Шунинг учун, ёзувчилар ўзларининг келишув намуналарини янада аниқ ва пухта режалаштиришлари керак. Мувофиқликка қисман профессионал формалар орқали эришиш мумкин.

Нашр қилинган таржимани таржимавий баҳолаш бадиий матнни (масалан, шеърят, роман ва ҳикоя) ёки адабий бўлмаган матнни (масалан, ҳуқуқ, иқтисод, тиббиёт, ижтимоий-маданий ва сиёсий соҳадаги матн) баҳолаш билан баробар бўлиши мумкин. Нашр этилган матнни баҳолаш таржиманинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашга, таржиманинг заиф томонларини ҳал қилишга қаратилган. Бундан ташқари, таржима сифати уч жиҳат билан аниқланади: аниқлик, мақбуллик ва ўқилиш даражаси. Романдаги таржима таснифини кўриш учун сифатли ва миқдорий тавсифлаш усулидан фойдаланилди. Бундан ташқари, таржима сифатини Набабаннинг (6, 39–57) таржима сифати рубрикаси асосида баҳоладик. Ушбу таҳлил маълумотларини тўплашда “Ўткан кунлар” романи ва унинг куйидаги тўрт таржимасидан фойдаланилди:

— *Минувшие дни* (Мухаммаднодир Сафаров томонидан рус тилига таржима қилинган, 2009 йил);

— *The Days Gone By* (Илҳом Тўхтасинов томонидан инглиз тилига таржима қилинган, 2017 йил);

— *Days Gone By* (Керол Эрмакова томонидан инглиз тилига таржима қилинган, 2019 йил);

— *Bygone Days* (америкалик тадқиқотчи ва таржимон Марк Эдвард Риз томонидан инглиз тилига таржима қилинган, 2019 йил).

Ушбу тоифаларнинг таржима сифати кўрсаткичларини 1, 2 ва 3-жадвалларда кўриш мумкин.

1-жадвал.

#### Таржиманинг аниқлик мезонлари

Таржиман и баҳолаш мезони	Даража	Сифат параметрлари
Аниқ ва тўғри	3	Сўзнинг маъноси, техник атамаси, ибораси, гаплар тузилиши, жумла ёки манба тили таржима қилинган тилга аниқ кўчирилган; маъноларни бузиш, қўшиш ёки ўчириш мутлақо йўқ.
Ўртача аниқлик	2	Сўз маъносининг аксарияти, техник атама, ибора, гап, жумла ёки манба тилидаги матн таржима қилинган тилга аниқ ўтказилган, аммо баъзи маъно ўзгариши, иккиланган маъно таржимаси (ноаниқ), маънонинг йўқолиши ёки хабарнинг яхлитлигини бузадиган маъно қўшилиши мавжуд.
Аниқ эмас	1	Сўзнинг маъноси, техник атамаси, ибораси, гап структураси, жумла ёки манба тилидаги матн

		йўналтирилган тилга нотўғри киритилган ёки тушириб қолдирилган ёки қўшилган.
--	--	--

### 1.1 Аниқ

Мил.авв. I асрда яшаган машҳур рим ёзувчиси ва нотиғи Цицерон юнон нотиклари асарларини тил меъёрларини бузмаган ҳолда лотин тилига ўгирган. Цицерон аслият тилининг тузилиши ва маъносини сақлаб қолган, лекин у сўз танлашда лотин тилининг хусусиятларига амал қилган. Шунинг учун у матнни сўзма-сўз таржима қилган, ҳар бир жумлада маъно ва сўз таъсирини акс эттира олган. «Ўйлашимча, китобхон мендан аниқликни талаб қилади», деган Цицерон ва юнон муаллифларининг асарларини аниқ услубда лотин ўқувчиларига етказган. У таржима матнининг ўзига хос хусусиятлари — шакл, таркиб ва фикр мойиллигига алоҳида эътибор қаратган. (10, 37).

Баъзи бир мисоллар:

— *Ул кундаш бўлганда мен кундаш эмасми?* (8, 191)

“*If she is a kundosh, don't I also hold the title of kundosh?*” (9, 569).

Кундош — бир эр никоҳидаги бир неча хотин (бир-бирига нисбатан). Бу ерда асли қадимги туркий тилдаги «қизган» — ғайрилик қил маъносини англаган. Кўн — феълидан “-и” қо‘шимчаси билан куни оти унга -ла қўшимчаси қўшилиб, кунида феъли ва ниҳоят “-и” қўшимча қўшилиб кундош оти ясалган. Кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмаган. Бу сўзни таржима қилишда М.Риз яхши йўл тутган, яъни у kundosh сўзининг ўзини қўллаб, асар охирида сўзга изоҳ қолдирган. Бунга сабаб, кундош сўзи реалия ҳисобланиб, эквивалентсизлексика сифатида қаралади. М. Ризнинг ёзган изоҳи қуйидагича:

*Kundosh: A kundosh is part of a presumably wealthy man's bevy of brides. The literal translation is «day companion» — «Kun» meaning day, «dosh» meaning someone who shares a status or situation with you. Yuldosh, «yul» meaning road, meanings traveling companion. The trope of the kundosh not getting along with and hating the husband is a common theme throughout Jadid literature, and here we are offered a comic tableau for the reader. Qodiriy also strikes upon an important aspect of modernist Islam: A Muslim man may not take more brides than he can «deal with Justly» (Koran, Sura 4 [An-Nisa]. Ayah 3). E.g., he couches his arguments for reform against common Islamic practices within Islam itself—not through erroneous, common beliefs or Soviet ideology.*

Таржимаси:

*Кундош: бой одамнинг хотинларни севишининг бир қисмидир. Луғат таржимаси «кундузги ҳамроҳ» — «кун» деган маънони англади, «дош» сиз билан мақом ёки вазиятни баҳам кўрадиган одамни англади. Йўлдош, «юл» йўлни, саёҳат ҳамроҳини англади. Кундошнинг турмуш ўртоғи билан тил топилмаслик ва нафратланиш жаҳид адабиётида кенг тарқалган мавзу бўлиб, бу ерда биз ўқувчи учун ҳажвий жаҳвал таклиф қилинган. Қодирий, шунингдек, исломнинг муҳим жиҳатларига ишора қилади: Агар етимларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами никоҳлаб олинг. Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, биттани (олинг) ёки қўлингизда мулк бўлганлар билан (кифояланинг). Мана шу жабр қилмаслигингизга яқинроқдир (Қуръон, “Нисо” сураси, 3-оят). Масалан, у ислоҳот учун ўз*

далилларини исломнинг ўзида, нотўғри эътиқод ёки совет мафкураси орқали эмас, балки умумий исломий амалиётларга қарши қўяди.

Юқоридаги маълумотларда ишлатилган таржима техникасига карамай, таржима натижаси аниқ, чунки маънода ўзгариш ёки бузилиш йўқ.

— *Шу арзимаган нарсани Саодат билан укасига ҳайитликка олиб келган эдим, бу айбим учун албатта мендан койимассиз, дедим (Ўткан кунлар, А.Қодирий, 107-б.).*

*‘I brought you these trifles on this feast day. And for Saodat and her little brother, too. Do not judge me for this’ (2, 183).*

Ука — бир ота-она ўғилларидан энг кичиги. Ушбу сўзнинг таржимасини Эрмакова ўз таржимасида *little brother* шаклида келтирилган бўлиб, бу айнан акадан ёши кичик эркак гендерига тегишли шахсни ифодалайди. Агарда таржимада *brother* шаклида келтирилган бўлганда, асарда назарда тутилган қахрамон ёш жиҳатидан катта ёки кичиклигини аниқлаш бироз қийинлашади. Ва бу, ўз навбатида, таржиманинг аниқлигига таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

### 1.2 Ўртача аниқлик

Аниқлик талабига риоя қилинмаса, таржимада масъулиятсизлик юзага чиқади. Таржималардаги гализлик ҳам ана шу масъулиятсизлик оқибатида пайдо бўлади. Албатта, таржима назарияси принциплари ўта даражада қатъий эмас, уларда назария нисбий, шартли қоидалар ҳам мавжуд. Уларга ижодий қарамоқ жоиз. Уларни билиш ва ижодий ёндашиш таржимонни турли масъулиятсизликлардан, тўлақонли бўлмаган ишларни таржима, деб аташдан сақлайди.

Таржимада сўз танлаш ва излашда аниқлик мезонига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Математикада эса аниқлик мезони — бош талаб. Математикада аниқлик поэзия даражасида. Сифатли ва тўғри таржима талабларида ҳам аниқликнинг ўрни биринчи даражада туради. Аниқ сўзлар билан фикрни аниқ баён қилиш кишилараро муносабат ва муаммоларда, илмда, адабиётда эътиборли ҳамда теран маданият белгисидир. Таржимада аниқ сўз, мутаносбмуқобил топилмаса, образли ифода ҳам чиқмайди. Булар таржимонлик таланти бор-йўқлигини кўрсатадиган белгилардир.

Мисол учун:

*Иккита тўтидек хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўлтурадир... тагин қанақа каму кўст? (Ўткан кунлар, А.Қодирий, 156-б.)*

*‘Two beautiful wives comb their hair for you, bek. What else do you lack?’ (11, 283)*

Юқоридаги мисол «унчалик аниқ эмас» тоифасига киритилган, чунки воситачи тилда таржимон томонидан аниқ кўрсатилмаган маълумотлар мавжуд. Ушбу мисолда Отабекнинг икки хотини, Кумуш ва Зайнаб, жуда чиройли, гўзал аёллар бўлганлиги учун улар худди тўтига қиёсланган. Тўти сўзи бу ерда кўчма маънода ишлатилган ва фақат аёлларга нисбатан қўлланиладиган сўз ҳисобланади. Тўти сўзи жуда чиройли, гўзал аёл деган маънони англатиб, метафора ҳосил қилган. Тўхтасинов шунчаки *beautiful wives deb tarjima qilgan*, бу ерда таржима тўғри бўлса-да, бадиий бўёқдорлик йўқолган. Ушбу ҳолатда ҳар икки тилга мос метафорик ўхшатиш эквиваленти топилганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Нимага тўти сўзининг айнан ўз таржимаси (*parrot*) олинмаган деган савол пайдо бўлиши ҳам мумкин: бунга сабаб шундаки, тўти қуш инглиззабон халқлар орасида кўп гапирадиган, бошқа инсонларнинг фикр-

мулоҳазаларини ўғирлайдиган инсонга нисбатан ишлатилади. Кўриб турганингиздек, биргина сўз ўзбек ва инглиз халқлари менталитетида ўзгача маъноларда англашилиб келади. Шу сабабдан ҳам таржиманинг бу бобида анчайин пухта ва синчковлик талаб қилинади.

### 1.3 Аниқ эмас

Таржимон суҳбатдош ёки мижознинг рақиби эмас, балки бир тилда яратилган оғзаки ёки ёзма матнни бошқа тилда қайта ифодаловчи шахсдир.

Бундан келиб чиқадики, матн таржимон учун дахлсиздир. Агар кўшимча вазифа мослашув, танлаш, кўшимчалар ва бошқалар бўлса, таржимон матнни таржима қилиш, қисқартириш ёки кенгайтириш вақтида мазмуни ва таркибини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Мисол:

*Иккиси Салор бўйига етиб, Тўла қозоқнинг келинчагига этни шўрва қилиш учун бердилар (Ўткан кунлар, А.Қодирий, 155-б.).*

*Ali and Atabek handed the meat to a young woman called Tula Kazakha, asking her to cook them some shurpa-soup (Days Gone By, К.Эрмакова, 262-б.).*

Ўзбек адабий тилида келин сўзи энди турмушга чиққан қиз маъносини англатади. Келин — ўзидан ёш бўлган қариндош ёки яқин кишининг хотини ва шу хотинга мурожаат шакли саналади. Келинчак сўзи эса келинга нисбатан кичрайтириш, эркалаш ва унинг янги оиласига энди келганлиги ёш жиҳатидан анча кичиклиги ҳисобга олиниб қўлланилиши. Лекин бу ерда келинчак деганда Тўла қозоқнинг хотини назарда тутилган. Эрмакова ўз таржимасида келинчак сўзини *a young women* деб қўллаган. Аммо бу сўз келинчак сўзидан маъноси анча йироқ бўлиб, умумий маънода ёш аёлларни англатган ва у аёлнинг Тўла Қозоққа ким бўлишини ҳам матндан тушуниб олишимиз анча мушкул. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳозирги таржимада Тўла қозоқ ёш аёл деган маъно келиб чиқади. Асарни тўлиқ ўқимаган ўқувчилар *a young women* сўзини хизматкор аёл сифатида ҳам тушуниши мумкин.

Яна бир мисол:

*Ўзбек ойимнинг амрича Ойбодоқ, Зайнаб ва ҳашарчи хотинлар қулча ясашга ўлтурдилар (Ўткан кунлар, А.Қодирий, 170-б.).*

*Following Uzbekayim's orders, Zainab finished her cleaning and began helping the women to make the sweet buns (Days Gone By, К.Эрмакова, 287-б.).*

Ҳашарчи — бирор ишни бажаришда кўпчилик бўлиб, ихтиёрий кўмак берувчи шахс. Ҳашар сўзи инглиз ва рус тилларида мавжуд эмаслиги ҳамда мос эквивалент йўқлиги туфайли ҳам бошқа таржималарда транслитерациядан фойдаланилган ҳолда сўзнинг айнан ўзи олинган. Шунингдек, ушбу сўздан инглиз ва рус тилларидан янги сўз ҳосил қилишнинг ҳам иложи йўқ. Аммо ушбу таржимада ҳашарчи сўзи ташлаб кетилган; масаланинг яна бир ажабланарли томони шундаки, Эрмакова Ойбодоқ образини ҳам ташлаб кетган. Бу таржимада жиддий хатоликни юзага келтирган ва таржиманинг аниқлигини камайтирган.

2-жадвал.

### Таржиманинг мақбуллик даражаси

Таржиман и баҳолаш мезони	Даража	Сифат параметрлари
---------------------------------	--------	--------------------



Маъкул	3	Таржима илмий; техник атамалар қоидаларга мувофиқ ва ўз ўрнида ишлатилган ва ўқувчига таниш; ишлатилган иборалар, гап ва жумлалар таржима қилинган тил қоидаларига мос келади.
Ўртача маъкул	2	Умуман олганда, таржима деярли илмий, аммо техник атамалардан фойдаланишда ёки баъзи грамматика билан боғлиқ хато ва муаммолар мавжуд.
Маъкул эмас	1	Таржималар табиий эмас ёки таржима ишига ўхшамайди; ишлатилган техник атамалар одатда қўлланилмайди ва улар ўқувчига таниш эмас; ишлатилган иборалар, гап ва жумлалар аслият тилининг қоидаларига мос келмайди.

### 2.1 Маъкул таржима

Тилнинг лексик қатламлари, лексик-стилистик восита ва усуллардан ўринли фойдаланиш таржиманинг лексик муаммоларини ижобий ҳал этиш ва натижада таржима сифатини ошириш, тўғри келиш даражасига эришиш имконини беради.

*Подачининг товшини эшитиб, далага ошиққан онасига эргашиб қашқа бузоқ ҳам мағраб юборди (Ўткан кунлар, А.Қодирий, 155-б.).*

*A calf with a white star on his forehead was mooing loudly as he trotted behind his mother who was hurrying towards the calling cowherd (Days Gone By, К. Эрмакова).*

Подачи оти ўзбек тилида “йирик чорва молларининг бирга боқиладиган тўдаси” маъносини англатадиган тожикча пода отидан -чи қўшимчаси билан ясалган бўлиб, “йирик чорва молларини кенг ўтлоқда боқадиган киши” маъносини англатади. Ушбу гапдаги бузоқ молнинг, сигирнинг боласи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Эрмакова таржимаси: “cowherd” — молбоқар, подачи, мол боқувчи сўзи асардаги подачи сўзининг айна маъносига кўпроқ мос келади. Чунки ушбу таржима орқали ўқувчи вазиятдаги жараённи тўғри тушуна олади.

*Гулсиннинг ёнига Хонимбиби қўшилиди: — Кўб ўйлашманг, ўртоқлар! — деди, — барибир бу гап ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор! (Ўткан кунлар, А.Қодирий, 29-б.)*

*Гульсун подержала Ханым-биби: — Не грустите, подруженьки! Все равно мы все через это пройдем! (4)*

Ушбу парчада белгиланган ўртоқлар сўзи кишиларга мурожаат қилишда ҳар иккала жинс вакилларига нисбатан ҳам қўлланилади. Сафаровнинг рус тилидаги *подруженьки* таржимаси эса сўзловчининг нутқи гендер жиҳатдан фақат қизларга қаратилганлигини билиш мумкин. Чунки келтирилган бу парча асарнинг “Тўй, қизлар мажлиси” бобидан олинган. Бу жиҳатдан рус тилидаги таржимада фақат бир жинс вакили ифодаланганлигини билиш мумкин. Ва бу таржимага аниқлик киритган.

### 2.2 Маъкул эмас

*Ўзбек ойим қудачасига қаради: — Фотиҳа берасизми, қуда! (Ўткан кунлар, А.Қодирий)*

*Uzbek Oyim looked at Oftob Oyim. “Will you recite the Fatiha, In-Law?”*

Қуда сўзи кув ва келиннинг ота-оналарига (бир-бирларига нисбатан) айтилади. Бу сўз икки жинс вакилларига ҳам ишлатилади, лекин аёл қуда

ёки эркак куда дейиш орқали ажратсак бўлади. Риз таржимасида “куда” сўзи “*in-law*” деб таржима қилинган, бунда никоҳ орқали қариндош деган маъно тушунилади. Лекин куда сўзи эквивалентсиз лексика (реалия) ҳисобланишини инобатга олсак, ушбу таржимага минус жиҳат бўлган.

*Фақат мақтуланинг энг яқинларигина бу тантананага етиб келалмадилар* (Ўткан кунлар, А.Қодирий, 207-б.).

*Only the **deceased's** loved ones could not manage to reach the ceremony in time* (*Bygone Days*, Марк Риз).

Мақтула асардан келтирилган парчада ўлдирилган аёл (Кумуш) маъносида ишлатилган (эркакларга нисбатан “мақтул”). Гендерлик хусусияти мавжуд (аёл жинсига нисбатан). М. Риз ушбу сўзни “*deceased*” сўзи билан таржима қилган. Ушбу сўзнинг инглизча маъносига қарайдиган бўлсак, ўлган одам, марҳум маъноларини англатади. Аммо бу сўз асар контекстидаги сўзга унчалик ҳам мос эмас. Яъни барча таржималарда маъно сақланмаган. Чунки А. Қодирий Кумушнинг марҳумлигига эмас, ўлдирилганлигига урғу бермоқчи бўлган.

3-жадвал.

### Таржиманинг ўқилиш даражаси

Таржимани баҳолаш мезони	Даража	Сифат кўрсаткичлари
Юқори	3	Сўзларни, техник атамаларни, ибораларни, гапларни, жумлаларни ёки матн таржималарини ўқувчи осонликча тушуниши мумкин.
Ўртача	2	Умуман олганда, таржимани ўқувчи тушуниши мумкин, аммо бир неча марта ўқилиши керак бўлган баъзи қисмлар ҳам мавжуд.
Паст	1	Таржимани ўқувчи тушуниши қийин.

Ўқилиш даражаси асосан жумланинг ўртача узунлигини, янги сўзлар сонини ва таржимада ишлатиладиган тилнинг грамматик мураккаблигини ўз ичига олади. Ўқилиш даражаси тўғрисида олинган маълумотларнинг натижалари қуйидаги кичик бўлимлардаги мисолларда тушунтирилган.

#### 3.1. Юқори ўқилиш даражаси

*Ҳожи этак силккан* (Ўткан кунлар, учинчи бўлим, 9-боб, А.Қодирий, 183-б.).

*Hajji Shakes The Hem of His Robe; in which he renounces worldly affairs* (*Bygone Days*, Марк Риз).

Этак силкмоқ ибораси кийимининг этагини силкмоқ, кўчма маънода эса дунёдан барча нарсадан умид узмоқ, узлатга чекинмоқ (яккаланиш) маъноларни билдиради. Қуйидаги таржима шакли эса асарнинг бўёқдорлигига бирмунча таъсир ўтказади. М. Риз бу иборани тўғри англаган ва “*shake the hem of his robe*”, яъни “кўйлагининг этагини силкди” деб таржима қилган. “Узлатга чекинмоқ” — яккаланмоқ, ёлғизланмоқ деган маъноларни англатади, аммо “умидсизликка тушмоқ, чорасиз қолмоқ” дегани эмас. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, таржималар орасида Марк Риз таржимаси тўғри сўзма-сўз таржима қилинган,



шунингдек, у ушбу фразанинг қандай маънода келганлигини ифодалаш мақсадида изоҳ ҳам келтирган.

Яна бир мисол:

— *Тошканд Бекларбеги мадрасасининг пешқадам муллабаччаларидан эди, лекин уч йилча бўлди, хўжамиз мадрасадан олиб савдо ишига қўйдилар (Ўткан кунлар, А. Қодирий).*

*“He was one of the leading students at the Beklarbegi Madrassa,46 but after three years, upon his father’s request, he went into trading” (Bygone Days, Марк Риз).*

*Tashkent Madrassa: Located in the Isski Juva square, present-day Chorsu Bazaar, made from the bricks of Kukeltash Madrassa, which was built in 1570 by the Shaybanid Dynasty. Abdulla Qodiriy studied both at Beklarbegi and Abdul Qasim Madrassahs, Abul Qasim located near the present-day Oliy Majlis or parliament building on Halklar Dustligi Street. Beklarbegi and Kukeltash, later rebuilt, were eventually turned into museums of atheism in the twentieth century.*

Таржимаси:

*Тошкент мадрасаси: Эски Жўва майдонида, ҳозирги Чорсу бозорига жойлашган бўлиб, 1570-йилда Шайбонийлар сулоласи томонидан қурилган Кўкалдош мадрасасининг гишталаридан қилинган. Абдулла Қодирий Бекларбеги ва Абул Қосим мадрасаларида, Абул Қосимнинг ҳозирги Халқлар дўстлиги кўчасидаги Олий Мажлис биноси яқинида таҳсил олган. Кейинчалик қайта қурилган Бекларбеги ва Кўкалдош XX асрда, совет иттифоқи даврида, атеизм музейига айлантирилди.*

Кўриб турганингиздек, Марк Риз ушбу тарихий иншоотга иқтибос орқали маълумот келтириб, таржимани янада маромига етказган ҳамда ўқилиш даражасини оширган.

**Хулоса.** Жейкобсон таржима ҳақида шундай деган эди: “[...] таржима икки хил мажмуадаги иккита тенг ахборотни ўз ичига олади. Фарқ бўйича эквивалентлилик — тилнинг асосий муаммоси ва тилшуносликнинг марказий аҳамиятга молик қисми ҳисобланади”

Лейпиксалме (7, 3–5) таржималар ясама ҳосила ва нусхалар сифатида қаралишига ва таржимонлар бир тилдан иккинчисига лингвистик мажмуалар (эквивалентлари)ни алмаштирувчи механик қурилмалар эканига ишонган. Шу сабабдан ҳам, Баснет (1, 22) таржимоннинг лингвистик трансфер жараёнига аралашини таҳлил қилиб, унинг ролини қайта баҳолаш зарурлигини таъкидлайди: у “бир пайтлар бўйсунувчи ва шаффоф филтер ҳисобланган, у орқали матн бузилмасдан ўтиши керак эди” деб баҳслашганда, энди таржиманинг ҳаракатини ҳал қилувчи аҳамиятга эга жараён сифатида кўриш мумкинлигини эътироф этади.

Раффелнинг сўзларига кўра (5, 10), бошқа маданиятларни билишга эҳтиёж юқори экан, таржимага ҳам эҳтиёж катта бўлади. Бунинг сабаби, “одам бошқа маданиятларни қанчалик кўп ўрганса, ўз шахсини шунчалик кўп биледи”. Таржима инсоният пайдо бўлишидан бошлаб, бизнинг давримизгача муҳим рол ўйнаб келмоқда, шундай экан таржима қилиш учун маълумот ва янги изланишлар топиш, тўхтаб қолмаслик ва бошқа ривожланган мамлакатлар қаторида давом этиш зарур.

Ҳатим ва Мунди (3, 3) таржимани ҳар бир инсон ҳаётига муҳим таъсир кўрсатадиган ҳодиса деб ҳисоблашган. Биз таржимани бошқа тилда ёзилган хабар ёки баёнотни алмаштиришга уринишдан иборат

хунармандчилик, деб ҳисоблашимиз мумкин, лекин тилшунослар таржимон аслиятдаги эстетик таъсир кучини таржимада имкони борича сақлаб қолиши керак, деб ҳисоблашади. Миремадига кўра (5, 21), таржима икки томонлама жараён: бири — ўз маданиятидан бошқасига ва иккинчиси, бошқа маданиятлардан ўз маданиятига. Бошқача айтганда, бунда бериш ва олиш жараёни мавжуд.

Бугунги ахборотлашган даврда бир таржимон ҳар куни жуда кўп маълумотни қисқа вақт ичида таржима қилиш имкониятига эга. Аслида таржимонлар ҳар бир жамиятнинг марказий позициясидаги асосий ва катта мурватдир. Албатта, бадиий таржима техник таржима билан қандайдир фарқ қилади ва ҳар бир матннинг мақсади бошқасига кўра фарқ қилиши мумкин, аммо таржимон таржима қила бошлаганда, қандай матн бўлишидан қатъи назар, у ажойиб асар яратиш учун баъзи фикрларни кузатиши керак ёки у таржима қилаётган асар ўқувчиларининг эътиборини ўзига жалб қила олиш йўлини топиши керак. Буларнинг барчаси таржиманинг баҳолаш сифатларини оширишда кўмак беради.

Таржимон таржимани амалга оширишга қарор қилганда, аввало, манба ва ўша мамлакатларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳолатини ўрганиши керак. Шунингдек, баъзи маълумотларни ҳам кўриб чиқиши керак, масалан, икки томоннинг ўтмиши ва ҳозирги давридаги муносабатлари, иккала томоннинг маданиятидаги ўхшаш ёки фарқли хусусиятлари, китоб мавзуси мақсад қилинган мамлакатнинг маданий ва ижтимоий аҳволига мослашганми, эътиқодлари қандай, сиёсий, маданий ёки ижтимоий бурилишлар бўлганми ёки йўқми каби. Агар таржимон юқоридаги фикрларга диққат билан қараса, у асарнинг муваффақиятли таржима китобига эга бўлади ва бу, ўз навбатида, таржиманинг сифатига, аниқлигига, ўқилиш даржаси юқори бўлишига пировард пойдевор бўлади.

Вақт ва макон омиллари деганда таржимон таржима қилмоқчи бўлган замон ва даврни, шунингдек, жой ва мамлакат назарда тутилади. Ушбу тадқиқот орқали алоҳида аҳамиятга эга бўлган “Ўткан кунлар” романи ва унинг инглиз ва рус тилларига қилинган таржима китоблари ўрганиб чиқилди. Таржимонлар китобнинг махсус тилини тушунган ҳолда ва романнинг асл ёзувчиси ўз ўқувчиларига яратганидек, улар таржима ўқувчиларга ҳам асар ва таржима таъсирини яратиш учун уни аслият тилидагидек таржима қилиши учун қўлларидан келганча ҳаракат қилишган. Масалан, ушбу роман орқали таъсирланганларнинг ўзи ҳам сон-саноксиз. Ушбу китобнинг сўнгги таржимони Марк Риз юқорида айтиб ўтилган омилларга жиддий эътибор бера олган, деб айта оламиз.

Тадқиқотда буюк дурдона асар ўрганилиб, у аниқлик, мақбуллик, ўқиш даражаси ва бошқа кўплаб омиллар каби турли нуктаи назардан кўриб чиқилди. Таржима мунозарасини аниқроқ қилиш учун мисоллар билан фикрлар янада ойдинлаштиришга ҳаракат қилинди. Ушбу асар нафақат бир неча марта таржима қилинган, балки китобхонларга ҳам, таржима қилинган тилнинг бошқа ёзувчиларига ҳам бадиий-эстетик таъсир кўрсатган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Bassnett S. *Translation Studies*. — London: Routledge. 1996. — 225 p.
2. Qodiriy A. *Days Gone By*. Kerol Ermakova tarjimasini. — T.: Karimov fondi. 2019. — 359 b.
3. Hatim B., Munday J. *Translation*. — London: Routledge. 2004. — 394 p.

4. Кадыри А. Минувшие дни /Пер. М. Сафаров. — Ташкент: «Sharq». 2009. — 430 с.
5. Miremadi S.A. Ph.D. Theories and Translation and Interpretation. — Tehran: Published by SAMT. 1991. — 338 p.
6. Nababan M., Nuraeni A. & Sumardiono. Development of a translation quality assessment model// Linguistic and Literature Studies, 2012. —24(1), pp. 39–57.
7. Newmark P. Approaches to Translation. Prentice Hall International (UK) 1988. Ltd. — 200 p.
8. Qodiriy A. O'tkan kunlar. — Toshkent: Sharq, 2014. —209 b.
9. Qodiriy Abdullah. Bygone Days: O'tkan Kunlar /Reese M. Translator. — US, 508 p.
10. Tarjima nazariyasi. I. G'afurov, O. Mo'minov, N. Qambarov. — Toshkent: Tafakkur Bo'stoni, 2012. — 216 b.
11. The Days Gone By. I.M. To'xtasinov tarjimasi. — Toshkent. 2017. — 384 b.
12. Vermeer H. Is translation a linguistic or a cultural process? // Ilha do Desterro: A Journal of English Language, Literatures in English and Cultural Studies, 1992. — P. 37–51.

### References

1. Bassnett S. Translation Studies, London: Routledge, 1996, 225 p.
2. Qodiriy A. Days Gone By, Translated by Kerol Ermakova, Tashkent: Karimov foundation, 2019, 359 p.
3. Hatim B., Munday J. Translation, London: Routledge, 2004, 394 p.
4. Kadyri A. *Minuvshie dni* (Days gone by), translated by Muhammadnodr Safarov, Tashkent: Sharq, 2009, 430 p.
5. Miremadi S.A. Ph.D. Theories and Translation and Interpretation, Tehran: Published by SAMT, 1991, 338 p.
6. Nababan M., Nuraeni A. & Sumardiono, *Linguistic and Literature Studies*, 2012, 24(1), pp. 39–57.
7. Newmark P. Approaches to Translation. Prentice Hall International (UK), 1988. Ltd, 200 p.
8. Qodiriy A. *O'tkan kunlar* (Days Gone By), Tashkent: Sharq, 2014, 209 p.
9. Qodiriy Abdullah, Bygone Days: O'tkan Kunlar /Reese M. translator, US, 508 p.
10. G'afurov I., Mo'minov O., Qambarov N., *Tarjima nazariyasi* (Translation theory), Tashkent: Tafakkur Bo'stoni, 2012, 216 p.
11. The Days Gone By, translated by I.M. To'xtasinov, Tashkent, 2017, 384 p.
12. Vermeer H. *Ilha do Desterro: A Journal of English Language, Literatures in English and Cultural Studies*, 1992, pp. 37–51.